



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари	79
Mohira Asqarboy qizi Umurova Хизмат ko'rsatish tarmoqlarining iqtisodiyotda tutgan o'rni hamda rivojlantirish istiqbollari	83
Ислом Исмоилович Эргашев Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг хусусиятлари	86
Jahongir Aktamovich Haydarov Transport xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Илёс Султанович Абдуллаев, Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Минтақа туризмида соҳа корхоналарининг бошқариш сегментининг нисбий талаб-таклиф модели	97
Dilmurod Abdullayevich Nasimov, Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova Turizm sohasini barqaror rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari	102
Ruxshona Shavkatovna Rofeyeva Samarqand shahri turizm infratuzilmagini rivojlantirishda yashil zonalar va bog'larning o'rni	105
Shohista Bobobekovna Toyirova Ekoturizm-global ekologik inqirozga qarshi innovatsion yechim	109
Дилшод Мураткулович Абдураимов Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш хусусиятлари	113
Умиджон Рахимович Матякубов, Расулбек Кочкарбай ўғли Исаков Хива ва Боғот туманларида туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари	118
Дониёр Журакулович Абдуразаков Қишлоқ туристик ресурсларини таснифлаш ва бошқаришнинг амалий масалалари таҳлили	122
Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Mamlakatimizda mehmonxona biznesining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va prognozlash	126
Амриддин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов Туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубий асослари	131
Зебинисо Бахтиёровна Навруз-зода “КРП” воситасида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш	135
Сирожиддин Шерали ўғли Халилов Миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва унинг таркибий элементлари	140
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шухрат Облокулович Кувандиқов Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос функциялари	145
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Raxmatillo Mirolimovich Egamov, Sherzod Norboyevich Jumanov, Alisher Zokirovich Saydirasulov Innovatsion tadbirlar asosida qurilish mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun marketing tadqiqotlarini o'tkazish usullari	149

Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов – СамИСИ тадқиқотчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация: мақолада давлат-хусусий шериклиги механизмининг шаклланиши, давлат-хусусий шериклиги механизмини амал қилишининг афзал жиҳатлари ва хусусиятлари, унинг ривожланиш тамойиллари, омиллари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат-хусусий шериклиги, кластер, хусусий бизнес, кластер сиёсати, лойиха, истеъмолчилар.

Кириш. Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий жиҳатдан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда нисбатан самарали бўлиб, унда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларида молиявий маблағларнинг айланиши ҳам тезроқ ва энг асосийси даслабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоялар талаб этади. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик механизмларини такомиллаштириш ва инвестицион фаолликни оширишнинг институционал асосларини тадқиқ этишни зарурат этмоқда. Республикамизда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ)ни кенгайтириш бориши унинг ривожланиш хусусиятлари ва тамойилларини аниқлашни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш масалалари иқтисодий адабиётларда кам ўрганилган. Хусусан, О.А.Романова¹, М.Қ.Пардаев², В.Г.Варнаровский, А.В.Клименко, В.А.Королев³, У.И.Джуманиязов⁴, В.А.Кабашкин⁵ каби олимлар хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиёти, давлат-хусусий шериклигига бағишлаб дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув ва илмий адабиётларни ёзганлар. Аммо ушбу асарларда хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ механизми мураккаб таркибий элементларни ўз ичига олиб, ушбу механизмни бошқариш жараёни муайян тамойилларга риоя этишни талаб этади ва ушбу масалалар атрофлича ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, гуруҳлаш, индукция-дедукция, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши янги босқичга кўтарилмоқда. Ушбу босқичда республикани ривожлантириш стратегиясининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасида барқарор ва жадал суръатлар билан иқтисодий ўсишни таъминлаш миллий иқтисодиёт тараққиётида устувор соҳалардан бири эканлигини кўришимиз мумкин. Шунга кўра, республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, соҳада инвестицион жозибадорликни ошириш бўйича институционал ўзгаришлар таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, тармоқ ривожланиш дастурларини инвестицион фаолликни ошириш нуқтаи назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўплаб миллий хўжаликларида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича сезиларли силжишларнинг юзага келиши иқтисодиётнинг янги институционал тузилмаси шакллани -

¹ Романова О.А. Теория и практика развития частно-государственного партнерства/ О.А.Романова // Вестник Уральского государственного технического университета. - 2007. - № 3. - С. 41.

² Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. - Б. 133.

³ Варнаровский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. – М.: ГУ-ВШЭ, 2010.

⁴ Джуманиязов У.И. «Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари» // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2017 йил № 3, май-июнь, 9-б.

⁵ Кабашкин В.А. Формирование и развитие партнерских отношений государства и предпринимательских структур в Российской Федерации (управленческий аспект): автореф. дис. докт. экон. наук:08.00.05/ В.А. Кабашкин. - М., 2007. - С. 23.

шига имконият яратмоқда.

Янги институционал тузилманинг шаклланиши жараёнининг иқтисодий мазмуни қуйидаги икки йўналишда намоён бўлмоқда:

– тадбиркорлик фаолияти натижасида олинадиган фойданинг умумий миллий даромаддаги ҳиссасини ўсиб бориши пировардида уни тақсимлаш нисбатидаги ўзгаришнинг юзага келиши;

– иқтисодиётдаги туб ислохотлар самарадорлигини ошириш, трансформацион жараёнларнинг кенгайиши ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан боғлиқ тўсиқларни камайиб бориши.

Ушбу ўзгаришлар хўжалик фаолиятининг деярли барча соҳаларини, яъни давлат бошқаруви ва тадбиркорлик субъектларини ўз ичига олиб, унинг қамровини кенгайишига ҳамда давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатади. Бу жараён нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам намоён бўлади.

Давлат учун ДХШнинг устун жиҳатлари хусусий секторнинг иштироки ҳисобига лойиҳалар самарадорлигини ошириш, давлат томонидан хусусий маблағлар ҳисобига муайян соҳа ёки тармоқни ривожлантириш бўйича муҳим масалаларни ҳал қилиш имкониятлари, бюджет харажатларини камайтириш, хусусий молиявий маблағларни кенг қўламда жалб қилиш, тежалган бюджет маблағлари ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва рақобат даражасини ошириш каби омиллар асосида аниқланади.

Юқоридаги ДХШ механизмининг амал қилишининг афзал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда унинг муҳим хусусиятларини аниқлаймиз. Улар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий ривожланиш мақсадларига эришиш;
- давлат инвестицион лойиҳаларига хусусий сектор маблағларини жалб қилиш;
- давлат инфратузилмаси объектларини бунёд этиш, фойдаланиш, модернизациялаш, техник хизмат кўрсатиш, реконструкция қилиш;
- давлат хизматлари кўрсатиш;
- давлат сектори ва хусусий тадбиркорлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатиш имконияти;
- тенг шерикликка асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик;
- риск, ваколат ва масъулиятни шериклар ўртасида тақсимлаш;
- ДХШ шартномасини тузиш.

Жаҳон амалиётида ДХШнинг мақсади бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бюджетдан ташқари манбалардан жалб қилинган қўшимча инвестициялар ҳисобидан ҳамда давлат сектори хизматлари сифатини ошириш орқали ҳудудий даражада жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашдан иборат. Инфратузилмани ривожлантиришнинг давлат сиёсати бўйича ДХШ хусусий ташкилотларни ресурс ва капитал сифими юқори инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиш ҳамда давлат инфратузилмаси тармоқларининг ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Рискларни тақсимлаш ДХШ муносабатлари учун зарурий шартдир. Шунингдек, энг катта қийинчилик лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари, яъни тармоқ, молиялаштириш шартлари ва шартнома турига қараб рискларни оптимал тақсимлашни ташкил этишдан иборат.

Халқаро ташкилотларнинг миллий иқтисодиётлар ҳукуматларига тавсияларида ДХШнинг қуйидаги асосий тамойиллари кўрсатилган:

- қонунийлик (яъни, ДХШ тўғрисидаги қонунчилик тизимининг мавжудлиги);
- бюджет маблағларидан, давлат ва маҳаллий мулкдан фойдаланиш самарадорлиги (яъни, конкрет ҳолатда ДХШ лойиҳасини амалга ошириш инфратузилмани ва уни бошқаришни давлат томонидан молиялаштиришнинг анъанавий усулларига қараганда юқори самарадорликни таъминлашини асослаш зарурати);

– давлат-ҳуқуқ субъектлари томонидан ДХШ бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш зарурати (яъни, давлат томонидан хусусий шахс олдидаги мажбуриятларга риоя қилиш, шартнома амал қилиш муддати давомида ҳуқуқий нормаларни ўзгартирмаслик зарурияти);

– иштирокчилар ўртасида камситишнинг йўқлиги (ДХШ тузиш ҳуқуқи учун танловда қатнашиш учун ташкилотларнинг тенг фойдаланиш ҳуқуқи);

– шартнома бўйича томонларнинг виждонан ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги (давлатнинг хусусий сектор манфаатларини ҳисобга олиши ва лойиҳа бўйича барча молиявий мажбуриятлар ва рискларни унинг зиммасига юклаганлиги);

– ДХШ ҳақидаги маълумотларнинг очиқлиги (бизнес вакиллари ва экспертлар ҳамжамиятининг лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тўғрисида маълумот олиш, унинг ишончлилигини текшириш ва инвестиция қарорларини қабул қилишда фойдаланиш имконияти);

– аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда (шартномада томонларнинг шахсий манфаатлари ДХШнинг асосий мақсади – ҳудудни ривожлантириш, унда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини таъминлашга зид бўлмаслиги керак);

– иқтисодий асосланганлик (инфратузилма объектини бюджет маблағлари ҳисобидан реконструкция қилиш қиймати ва муддати ДХШ механизмини қўллаш асосида инфратузилма объектини реконструкция қилиш қиймати ва муддатидан ортиқ бўлади);

– иқтисодий самарадорлик (ДХШ лойиҳасини реализация қилиш харажатларининг бундай лойиҳани амалга оширишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ харажатлардан ошиб кетиши);

– ДХШ соҳасини давлат ва ҳудудий тартибга солишни амалга оширувчи давлат фуқаролик ва маҳаллий хизматчиларнинг малакаси;

– ДХШ шакллариининг ўзгарувчанлиги (турли хил мақбул ҳуқуқий шакллардан шартнома шаклини танлаш имконияти).

Халқаро экспертлар, шунингдек, давлат ёки ҳудудда ДХШ тамойилларини амалга ошириш муваффақиятини баҳолаш имконини берувчи бир қатор омилларни ажратиб кўрсатадилар:

– ДХШ механизмларидан фойдаланган ҳолда давлат инфратузилмаси объектларини яратиш (реконструкция қилиш) учун жалб қилинган бюджетдан ташқари маблағлар улуши;

– реализация қилинаётган лойиҳалар сони;

– ДХШ соҳасида институционал муҳитни ривожлантириш;

– ДХШ лойиҳалари доирасида аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми.

Маълумки, хорижий амалиётларда қўлланиладиган баъзи назарий ёндашувлар ва тамойиллар республикамиз қонунчилигига мос келади ва унда ўз аксини топган.

Мураккаб механизм бўлган ДХШ механизми мураккаб таркибий элементларни ўз ичига олиб, ушбу механизмни ривожлантириш ва бошқариш жараёни муайян тамойилларга риоя этишни тақозо этади ва уларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

БМТ Европа иқтисодий комиссияси ижроя котиби Марек Белкнинг фикрига кўра, ДХШ механизмини реализация қилишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат¹: институтларнинг ривожланиши; инвестицион лойиҳани амалга оширишнинг шаффоф ва самарали тартибларига риоя қилиш; давлат органларининг жамият олдидаги жавобгарлиги; иқтисодиётнинг вақолатли давлат ва хусусий секторлари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2008 йилда ишлаб чиқилган ДХШ соҳасида бошқарув самарадорлиги масалалари амалий раҳбарият билан мувофиқликда самарали бошқариш бўйича қўлланмасига кўра, олти асосий тамойил кенг доирада оммалашшига олиб келди. Улар қуйидагилардан иборат: иштирок этиш (participation): барча манфаатдор томонларнинг иштирок этиш даражаси; адолат тамойили (decency): қоидаларни яратиш ва амалга ошириш аҳоли тизимига зарар етказмасдан ёки норозилигини келтириб чиқармасдан

¹ https://unece.org/DAM/ceci/publications/ppp_r.pdf

амалга оширилиши; шаффофлик (transparency): қарор қабул қилиш жараёнининг равшанлиги ва очиқлиги даражаси; жавобгарлик (accountability): сиёсатчиларнинг сўзлари ёки қилган ишлари учун жамият олдида жавобгарлиги даражаси; адолатлилик (fairness): қоидаларга риоя этиш ва ушбу қоидалар бўйича талабни жамиятнинг барча аъзоларига нисбатан жорий қилиниши даражаси; самарадорлик (efficiency): чекланган ресурслардан келажак авлодларга зарар етказмасдан самарали фойдаланиш даражаси.

1-жадвал

ДХШ иштирокчилари ўзаро муносабатларини самарали ривожлантиришнинг асосий тамойиллари¹

ДХШни ривожланиш тамойили	Тамойилнинг асосий моҳияти ва мазмуни
Тўловлилик тамойили	Ҳамкорлик иштирокчилари ўзларининг иштирок этиши бўйича қийматли ўлчовини аниқлайди ҳамда тартиб ва олинаётган фойда нормасини келишадилар.
Танлов ўтказиш тамойили	Давлат ва бизнес вакиллари ўртасида ДХШ шартномасини тузиш танлов натижалари бўйича амалга оширилади.
Муддатлилик тамойили	Ҳамкорлик муносабатларини расмийлаштириш йўлида янги моддий активлар куриш муддати, қарз маблағларни қайтариш, капитали ўзини қоплаши бўйича регламент белгиланади.
Қайтаришлилик тамойили	Лойиҳанинг яқунланиши бўйича шериклардан бири бошқа шерикдан шартномага мувофиқ мулк ва бошқариш ҳуқуқини олади, бошқа шерик эса (хусусий тадбиркор) лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган товарлар ва хизматларни реализация қилишдан даромадлар кўринишида илгари қўйилган инвестицион ресурсларни келишилган муддатда ўзига қайтариб олади.
Тенглик тамойили	Шериклик иштирокчиларини танлашда ижтимоий тенгсизлик (ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий қарашлари бўйича) ва камситишнинг бошқа турлари (худудий белгилари, дунёқараш, диний эътиқод ва б.)га йўл қўйилмайди.
Мақсадга йўналтирилганлик тамойили	ДХШ лойиҳасини ишлаб чиқиш ва реализация қилишнинг барча босқичларида барча турдаги ресурслардан фойдаланишни шартловчи шартнома шартларига қатъий риоя қилинади.

Юқорида келтирилган умумий тамойилларга асосланган ҳолда ДХШ самарали ривожланишининг хусусий тамойилларини ишлаб чиқдик ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳукуматга ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларнинг турли шакллари ривожланиши-ни таъминловчи ҳамкорларни танлашнинг адолатли ва ошқора тартибларига риоя қилиш;
- қўшимча қиймат олиш кафолатини таъминлаш. Бунда бир хил харажат эвазига юқори сифатли хизматлар ёки бир хил сифатдаги хизматларни арзонроқ нарҳда олиш назарда тутилади;
- энг муҳим давлат хизматлари, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларнинг янги шаклларида жалб этиладиган шахсларнинг тегишли ўқитилишни ташкил этиш;
- барча учун адолатли рағбатлантириш тизимини жорий этиш ҳамда тижорат муваффақиятига эришишда муайян риск ва мажбуриятларни ўз зиммасига олганлар учун харажатларни қоплаш ва ҳимоя қилиш кафолатлари;
- хизматларнинг узлуксиз кўрсатилишини таъминлайдиган ва лойиҳа муваффақият-сизликлари ва улар билан боғлиқ самарасиз давлат харажатларининг олдини оладиган низоларни оқилона ҳал қилиш;

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

– ДХШ тузилмаларига хизматлар кўрсатиш ишончилигини ошириш мақсадида янги чақирик ва таҳдидларга қарши туриш қобилиятини мустаҳкамлаш.

Биз, давлат-хусусий шериклик механизми ҳамда унинг ривожланиш тамойилларининг кўплаб таснифларини тадқиқ этиш жараёнида иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қуйидаги асосий тамойилларини белгилаб олдик.

Ҳамкорликнинг бошқа тамойиллари ҳам давлат-хусусий шерикликда тартибга солувчи сифатида таъсир кўрсатади. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу тамойиллар гарчи улар у ёки бу институционал шаклларни модернизация қилинган иқтисодиётнинг доимий ўзгарувчан шароитларига мослаштириш жараёнида доимий равишда таҳрир қилинса-да, ҳар доим тегишли шартномаларда (шартномаларда) мустаҳкамланади.

Хулоса ва таклифлар. Давлат учун ДХШнинг устун жиҳатлари хусусий секторнинг ишпироки ҳисобига лойиҳалар самарадорлигини ошириш, давлат томонидан хусусий маблағлар ҳисобига муайян соҳа ёки тармоқни ривожлантириш бўйича муҳим масалаларни ҳал қилиш имкониятлари, бюджет харажатларини камайтириш, хусусий молиявий маблағларни кенг қўламда жалб қилиш, тежалган бюджет маблағлари ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва рақобат даражасини ошириш каби омиллар асосида аниқланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизми ҳамда унинг ривожланиш тамойилларининг кўплаб таснифларини тадқиқ этиш жараёнида иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўловлилик, танлов ўтказиш, муддатлилик, қайтаришлилик, тенглик, мақсадга йўналтирилганлик тамойилларига асосланиши керак.

<p>Ш.Омонов</p> <p>Особенности и принципы развития государственно-частного партнерства в сфере услуг</p> <p>Аннотация: В статье рассматривается формирование механизма государственно-частного партнерства, преимущества и особенности реализации механизма государственно-частного партнерства, принципы и факторы его развития, основные направления экономической деятельности между государством и субъектами частного предпринимательства.</p> <p>Ключевые слова: сфера услуг, государственно-частное партнерство, кластер, частный бизнес, кластерная политика, проект, потребители.</p>	<p>Sh.Amonov</p> <p>Features and principles of development of public-private partnerships in the service sector</p> <p>Abstract: The article discusses the formation of the mechanism of public-private partnership, the advantages and features of the implementation of the mechanism of public-private partnership, the principles and factors of its development, the main directions of economic activity between the state and private business entities.</p> <p>Keywords: services, public-private partnership, cluster, private business, cluster policy, project, consumers.</p>
--	---

Mohira Asqarboy qizi Umurova – SamISI tayanch doktoranti

XIZMAT KO‘RSATISH TARMOQLARINING IQTISODIYOTDA TUTGAN O‘RNI HAMDA RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

<p>Annotatsiya: Ushbu maqolada xizmat ko‘rsatish tarmoqlarining sifat samaradorligini oshirish, rivojlanayotgan bozor iqtisodiyoti sharoitida xizmat ko‘rsatish korxonalarini innovatsion takomillashtirishda strategiyalarni to‘g‘ri tanlash hamda samaradorligini oshirish uchun bir qancha taklif va tamoyillar keltirilgan. Xizmat ko‘rsatish sohasining samaradorlik ko‘rsatkichlari aniqlashtirilib, iqtisodiyotda tutgan o‘rni o‘rganilgan.</p> <p>Kalit so‘zlar: Samaradorlik, xizmat ko‘rsatish turlari, innovatsion takomillashtirish, korxonalar, servis iqtisodiyoti, servis sifati, iste’molchilar.</p>
--

Kirish. Bozor munosabatlari sharoitida xizmat ko‘rsatish va servis sohasini jadal rivojlantirish, mazkur sohada samaradorlikni oshirish orqali uning mamlakat iqtisodiyotidagi

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023